

- *Балхаш кўли ҳавзасининг жанубий қисми дарёлари:* Бу ҳавза жанубий ва жануби-шарқий қисмида баланд тоғ тизмалари жойлашган. Орқа Или, Кунгай Олатов тизмаларининг баландликлари баъзи жойларда 5000 м дан ортади. Балхаш кўли ҳавзасининг тоғли қисмининг умумий майдони 119000 км<sup>2</sup> бўлиб, ундан 800 м<sup>3</sup>/с оқим шакилланади. Ўртача оқим модули 6,7 л/с км<sup>2</sup> га тенг. Балхаш кўлига қуядиган дарёларн қаторига Или, Қоратол, Биен, Оқсу, Лепса ва бошқалар киради. Улар орасида сувлиги ва сув йиғилиш майдонининг катталиги жиҳатидан Или дарёси энг йириги ҳисобланади.

- *Или дарёси* Хитой ҳудудида жойлашган Текес ва Кунгес дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг узунлиги 950 км, сув йиғиш майдони 112700 км<sup>2</sup>. Ўртача сув сарфи 473 м<sup>3</sup>/с, оқим модули 5,2 л/с км<sup>2</sup>, сувининг лойқалиги 0,65 кг/м<sup>3</sup>. Йиллик оқимнинг 34,3 % март-июн ойларида, 42,6 % июл-сентябр ойларида ва 23,2 % октябр-феврал ойларида оқиб ўтади.

# Шимолий Қозоғистон ва Марказий Қозоғистон берк ҳавзаси дарёлари



- *Марказий Қозоғистон берк ҳавзаси дарёларига Турғай, Иргиз, Нура ва Сарису дарёлари киради.*
- *Турғай дарёси Сари-Турғай ва Қора-Турғай дарёларини қўшилишидан ташкил топган. Бу дарё Улу-тау тоғларидан бошланиб, оқмас Челкар-тенгиз кўли билан тўғайди. Унинг сув йиғиш майдони 134000 км<sup>2</sup>, ўртача сув сарфи 8,5 м<sup>3</sup>/с, оқим модули 0,15 л/с км<sup>2</sup>. Қор сувлари ҳисобига тўйинади, тўлин сув даври баҳорда 20-25 кун давом этади.*
- *Иргиз дарёси Муғожар тоғларининг шарқий ён бағридан бошланади ва ўзининг қуйи оқимида Турғайга қўшилиб, Челкар-тенгиз кўлига тушади. Сув йиғиш майдони 31600 км<sup>2</sup>, ўртача сув сарфи 6,8 м<sup>3</sup>/с, оқим модули 0,22 л/с км<sup>2</sup>.*
- *Нура дарёси Каркарала тизмасидан бошланиб ўз сувини Тенгиз кўлига қуяди. Унинг узунлиги 700 км, сув йиғиш майдони 4300 км<sup>2</sup>. Ўртача сув сарфи 15 м<sup>3</sup>/с, оқим модули 0,15 л/с км<sup>2</sup> га тенг.*
- *Сарису дарёси Жақси Сарису ва Жаман Сарису дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Ашикўл кўли атрофида қумлоққа сингиб кетади. Сув йиғилиш майдони 59300 км<sup>2</sup>, ўртача йиллик сув сарфи 2,7 м<sup>3</sup>/с*

- Қозоғистоннинг шимоли-шарқий қисмида Иртиш дарёси ҳавзасининг катта қисми жойлашган. Иртиш Об дарёсининг энг йирик ирмоғи бўлиб ҳисобланади. Ҳавзанинг юқори қисми Олтой тоғларида жойлашган. У Хитой ҳудудидаги Мангол Олатови тизмаларидан бошланади. Юқори қисмида ўнг томондан Бухтарма, Ульба, Уба ирмоқларини қабул қилади.
- Иртиш ҳавзаси жуда катта майдонни эгаллаган, яъни 969000 км<sup>2</sup>, унинг ўртача йиллик сув сарфи 2150 м<sup>3</sup>/с, оқим модули 2,22 л/с км<sup>2</sup> га, ўртача лойқалиги 250г/м<sup>3</sup> га тенг.